

ЁШЛИК-I (ДАЛЬНЕЕ) МИС-ПОРФИР КОНИДА МИС МАЪДАН ТАНАЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЪДАНЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдирахмонов Ҳабибжон Алишерович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Амагистратура талабаси

Аннотация: Бугунги кунда Давлат сиёсатида кўтарилган геология қидирув ишларини жадаллаштириши, хусусан мис кластерини ташиқлаштириши каби катта қадамлар қўйилиши билан мис конларини ўрганишга янгича қарашлар, уларнинг геологик тузулишини янгича талқинда намоён қилиши мавзуси долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу мақолада бугунги кунда бутун жаҳонга машҳур бўлган Омалиқ маъданли майдонидаги миснинг йирик конларидан бири Ёшлик-I кони кўриб чиқилган.

Калит сўзлар ва иборалар: мис порфир, Ёшлик-I, мис формациялари, фундамент жинслар, порфирсимон, томир-уюмли, уюмли-томир.

Мис рудалари — миснинг саноат аҳамиятига эга бўлган минераллари ҳисобланади. Улар 170 дан ортиқ бўлиб, шундан фақат 17 таси саноатда фойдаланилади. Мис маъданларига бой (мис 3%дан ортиқ), ўрта (мис 0,3—1%), жуда паст (мис 0,3% дан кам) сифатли гуруҳларга бўлинади. Халкопирит CuFeS_2 (Cu—34,6%), борнит CuFeS_4 (Cu—52—65%), халкозин Cu_2S (Cu—79,8%), ковеллин CuS (Cu — 64,4%), малахит $\text{Cu}_2[\text{CO}_3][\text{OH}]_2$ (Cu 57,4%) муҳим мис маъданларидир. Мис маъданларининг парагенетик боғланиши хилма-хилдур. Халкопиритли маъданлар асосан гидротермал плутоник конлар билан боғлиқ бўлади. Кўпчилик мис конларида халкопирит асосий маъдан ташкил этувчиси ҳисобланади. Халкопирит минераллари кристаллик панжараларида псевдоморфозалар (ёлғон ўсимта) ҳосил қилган кўринишида иккиламчи мис сульфидлари — борнит, халкозин ва ковеллинлар кузатилади, мис конларининг хусусан мис порфир конларида иккиламчи сульфидли бойиш зоналарида кенг тарқалган. Малахит — оксидланган мис маъданларида энг кўп учрайдиган минерал ҳисобланади, чунончи штокверк морфологияли ер юзасига яқин конларда юқори қоидамида оксидланган зоналарида сизот сувлар (ер юзасидаги сувларнинг туб жинсларга сизиб фильтрация жараёнига кирган сувлар) ҳисобига келадиган карбонат эритмалар натижасида ҳосил бўлади. Мис маъданлари таркибида олтин, молибден, рений ва бошқа элементлар кузатилади. Мис

маъданларининг муҳим турларига мис-порфирли ва мис-молибденли, мис-кумтошли ва сланецли, мис-никелли (сульфидли), полиметалл, томирли, кварц сульфидли, скармли (мис-ванадийли), мис-кобальтли, мис-висмутли, мис-темирли, мис-олтинли ва хоказолар киради. Жаҳонда ишлаб чиқариладиган миснинг 90% сульфидли маъданлардан олинади. Мис конлари асосан - РФ (Урал), Кавказ орти давлатлари, Козоғистон, Чили, Конго, Замбияда каби давлатлар жойлашган. Ўзбекистонда мис маъданлари конлари Олмалик маъданли тоғ-кон худудидаги — Қалмоққир-Дальнее (Ёшлик-I ёки бирлашган Олий-Зиё кони) Саричуқи, Қизота (бугунги кунда Ёшлик-II номи билан юритилади) ва бошқа жойларда мавжуд. Шулардан ҳозирги кунда Қалмоққир ва Саричуққи мис маъданлари қазиб олинмоқда. Олмаликнинг мис маъданлари таркибида нодир компонентлар борлиги жиҳатидан улар комплексли ҳисобланади. Улардан 15 дан ортиқ энг нодир маъданлар ҳосил қилувчи элементлар — мис, олтин, кумуш, молибден, рений ва бошқа элементлар ажратиб олинади олинади.

Қорабулоқ участкаси Дальнее (бугунги кундаги Ёшлик-I номи билан юритилувчи) мис порфир конининг шимолдаги участкаси бўлиб, коннинг захирасининг энг кам қисмини ўзида жамлайди.

Мис-олтин-молибденли Қорабулоқ маъданлашуви сиенито-диорит жинсларида жойлашиб, Олмалик туридаги грано-диоритлар билан контакт қисмида томир уюмли структурадаги ягона штокверк морфологияли маъданлашув кўринишида намоён бўлади. Жинларнинг ёши кечки тошқўмир магматик циклига тўғри келади.

Маъданлар структура-текстурали жиҳатига кўра томир-уюмли ва уюм-томирли турларга ажратилади. Ушбу жинслар бир бири билан кескин ўтишлар билан боғлиқдирлар. Аксар ҳолатларда мис-молибден маъданлашуви томир-уюмли тури кузатилади. Айрим геологлар томонидан (Голованов, Алехина, 1969) қўшимча уюмли ва томирли каби маъдан жойлашув турлари ажратилади. Аммо ушбу қўшимча маъдан структурасининг турлари шартли равишда ажратилади ва фазовий жойлашуви бўйича аниқ чегараларини кўрсатиб бериш имконияти мавжуд эмас чунки ушбу турлар кескин фазовий бир-бири билан аралашиб келади.

Томир-уюмли маъданлашув турли она ёки қамровчи жинсларда (асосан сиенито-диорит ва камроқ олмалик туридаги грано-диоритлар, пропелитизациялашган метасоматитлар) турли йўналишдаги калинлиги 0.5-1мм дан 1-3см ли кварц, кварц-ангидридли, ангидритли, карбонат таркибли ва таркибида йўлдош сифатида пирит, магнетит учрайдиган томирларда

кузатилади. Уюмли маъданлашув она ёки қамровчи жинсларнинг қорамтир (шоҳ алдамчиси) минераллар бўйлаб кузатилади.

Она жинсни ташкил этувчи бошқа минералларда яъни кварц, ортоклаз ва плагиоклазда минераллараро фазода халькопирит камъёб учрайди магнетит эса жуда кам учрайдис ёки умуман кузатилмайди.

Уюмли томирли маъданлашув тури пропилитизациялашган (эпидотизация-хлоритизация-квращлашган-калий шпатлашган) зоналарга тўғри келади. Ушбу зоналар алоҳида ареоллар кўринишида намоён бўлиб, штокверкли маъданлашувнинг четки қисмларида кузатилади.

Барча турдаги кварц-халькопиритли, кварц-халькопирит-пиритли, кварц-карбонат-ангидритли, кварц-карбонат-сфалеритли таркибдаги томирларнинг тарқалиши айнан бир қонуниятга бўй сунмайди ва хар хил қалинликда учраб бир текис тарқалмаган.

Қорабулоқ майдонида ёки умуман Ёшлик-I мис порфир конида мис порфир маъданлашувининг намоён бўлишида кечки карбон бўлимидаги магматик циклида шаклланган майда порфирсимон штокларнинг шаклланиш зоналари структуралари катта роль уйнади. Хусусан ушбу зоналарнинг сиенито-диоритлар билан контакт ва четки қисмларида ассимиляция (компонентлар билан алмашинув) зоналари мутадил мухит бўлди. Ушбу фараз ёки факт бир нечта таниқли геологлар томонидан таъкидлаб ўтилган.

Асосий маъдан қамровчи жинслар яъни сиенито-диоритлар (C_2) олмалик туридаги грано-диоритларнинг (C_3) ёриб кириши сиенито-диоритларни физик агрегат ҳолатини бузиб, температур режимнинг бузулиши ва жинсларнинг ёриқларга бойишига олиб келиб маъданга бой пневматолит флюидларнинг жойлашувига мухит яратиб берди. Шу сабабдан микроскоп остида кўрилса ёки макроскопик ҳолатда маъдан қамровчи жинслар мис маъданига бой томирларга бойдир.

Қорабулоқ мис-порфир маъданли штокверки суб кенглик йўналишида чузоқ кўринишда намоён бўлиб, Қорабулоқ йирик ер ёриғининг осилиб турувчи ён бошида жойлашади. Асосий маъданлашув ушбу штокверкнинг 95% ташкил қилувчи сиенито-диоритларда жойлашиб қисман 5% гина 1-1,5 км чуқурликда кузатиладиган ёки ёриб кировчи грано-идоритларда кузатилади. Гранодиоритларнинг сиенито-диоритларни ёриб кириш зоналарида маъданлашувнинг намоён бўлишини айрим якка ҳолатдаги бурғи қудуқларида олинган керн намуналари тасдиқлаган. Ёриб кировчи апофизларнинг қалинлиги 40м гача етади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Г. Павлов. Генетическая классификация месторождений;
2. Фонд маълумотлари